



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil «30» апрель

№ПҚ-153

### **Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар түғрисида**

**2025 йил 5 март куни** ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилишида **белгиланган вазифаларни** самарали ижро этиш ҳамда ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятлар (кейинги ўринларда – кибержиноятлар)га қарши курашиш фаолиятини янада кучайтириш мақсадида **қарор қиласман:**

#### **I. Устувор вазифалар**

- Ички ишлар вазирлиги** Ўзбекистон Республикасида **кибержиноятларга қарши курашиш йўналишида** ягона ишлар амалиётини йўлга қўйиш, бу борада барча масъул давлат органлари ва муассасалари фаолиятини **мувофиқлаштириш** ҳамда **манзилли ҳамкорлигини** ташкил этиш бўйича **ваколатли орган этиб белгилансин.**
- Масъул давлат органлари, ташкилотлар, банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг **ҳар бирига** кибержиноятларнинг олдини олиш ҳамда аҳолининг кибормаданиятини юксалтиришга қаратилган барча зарур чораларни қўриш бўйича **қатъий жавобгарлик юклатилсин.**
- Банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари учун ўз кундалик фаолиятини ташкил этишда **мижозларининг манфаати ва молиявий хавфсизлигини** таъминлаш устувор вазифа сифатида белгилансин.

## **II. Норматив-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш**

- 4. Ички ишлар вазирлиги** (Ташпулатов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2025 йил якунига қадар** бугунги кундаги амалиёт, замон талаблари ҳамда илғор хорижий тажрибаларни комплекс ўрганган ҳолда соҳанинг устувор йўналишлари ва ишлар механизмлари, шунингдек, кибержиноятларнинг олдини олиш ва фош этишда давлат органлари, банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг аниқ масъулиятини белгилайдиган “Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
- 5. Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Бosh прокуратура ва Марказий банкнинг қўйидаги **таклифлари маъқуллансин:****
- (а) кибержиноятни содир этишда **ўз номидаги банк картасидан, банк ҳисобрақамидан, SIM картасидан** ҳамда **электрон ҳамёнидан** (**электрон аккаунтлар**) фойдаланишга йўл қўйган **шахслар** (дроп) учун **маъмурий ва жиноий жавобгарликлар белгилаш**;
  - (б) **ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя этмаганлик учун жавобгарликни** белгиловчи амалдаги нормаларни оқибат мавжуд бўлмасада, жавобгарлик юзага келиши нуқтаи назаридан такомиллаштириш;
  - (в) **банклар, тўлов тизими операторлари** ҳамда **тўлов ташкилотлари,** шунингдек, **бошқа ташкилотларнинг** ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя этмаганлиги натижасида содир этилган кибержиноят оқибатида келиб чиқсан моддий зарарни **улар ҳисобидан ундириш тартибини жорий этиш**;
  - (г) жиноят қонунчилиги билан **ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар** ҳамда пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият учун белгиланган жазо чораларини **кучайтириш**;
  - (д) жиноят содир этишда ахборот технологияларидан фойдаланишни **жавобгарликни** ҳамда жазони **оғирлаштирувчи ҳолат** сифатида белгилаш;

(е) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг банк сирига оид сўров ва қарорлари ижросини таъминлашнинг аниқ муддатларини белгилашни ҳамда уларни **бажариш механизм** ва талабларини енгиллаштиришни назарда тутувчи тартибни жорий этиш.

**6. Ички ишлар вазирлиги** (Ташпулатов), **Давлат хавфсизлик хизмати** (Курбанов), **Бош прокуратура** (Йўлдошев) ва **Марказий банк** (Ишметов) икки ой муддатда мазкур қарор билан маъқулланган таклифларни амалга оширишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

### **III. Кибержиноятларнинг олдини олиш механизmlари**

**7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:**

(а) банклар ва тўлов ташкилотларининг ўз ахборот хавфсизлиги сиёсатига ва киберхавфсизлик талабларига риоя этиш борасидаги масъулиятини кучайтириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан **ҳар ой якуни бўйича тизимида энг кўп кибержиноятлар** (заифликлар ва камчиликлар натижасида юзага келган) қайд этилган банклар ва тўлов ташкилотлари рўйхатини оммага эълон қилиш амалиёти жорий қилинади;

(б) Марказий банк томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг транзакцияларини **мониторинг қилиш орқали** ахоли пул маблағларини жалб қилишга қаратилган **фирибгарлик схемалари** (“молиявий пирамида”) аломатлари ёки шубҳалар мавжуд бўлган ҳолатларни аниқлаш ҳамда улар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга **тезкор хабар бериш** тизими йўлга қўйилади;

(в) Вазирлар Маҳкамаси томонидан **ҳар йили** аҳолининг кибермаданиятини юксалтиришга ва кибергигиенасини шакллантиришга қаратилган **комплекс тарғибот-ташвиқот дастури** тасдиқланади ҳамда ижроси қатъий назоратга олинади.

**8. Кибержиноятларнинг олдини олиш йўналишидаги тарғибот-ташвиқот тадбирларида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:**

(а) республика миқёсида ҳар йилнинг ноябрь ойини “Кибермаданиятни юксалтириш ойлиги” деб эълон қилиш;

- (б) кибержиноятларнинг янги шакллари ва уларни содир этиш усулларини инобатга олиш;
- (в) кибержиноятларнинг шакллари ва уларни содир этиш усуллари тўғрисида огоҳлантириш учун **интернет ва ижтимоий тармоқлардаги мақсадли (таргет) реклама хизматидан** бепул тарзда фойдаланиш.

**9. Марказий банк (Ишметов) 2025 йил 1 сентябрга қадар қўйидаги кечикириб бўлмайдиган чораларни амалга оширсин:**

- (а) банклар, тўлов тизими операторлари, тўлов ташкилотлари ҳамда кредит бюороларининг транзакциялари ва бошқа зарурий маълумотларини Марказий банкнинг ягона платформасига интеграция қилиш;
- (б) Марказий банкда **марказлашган антифрод тизимини** ҳамда банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг **антифрод тизимларини** (**сессион, транзакцион ва телекоммуникация**) жорий этишни якунига етказиш;
- (в) платформа ва маҳсус ҳимоя тизимлари бўйича техник топшириқ лойиҳаларини “Киберхавфсизлик маркази” ДУК, Ички ишлар вазирлиги ва Электрон технологияларни ривожлантириш маркази билан келишилган ҳолда ишлаб чиқиш.

**10. Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов) манфаатдор идоралар ва муассасалар билан биргаликда 2025 йил якунига қадар соҳта қўнғироқларни чеклаш тизимини тўлиқ жорий қилиш бўйича чоратадбирларни якунласин.**

**11. Марказий банк (Ишметов) 2025 йил якунига қадар:**

- (а) **вояга етмаганлар** банкларда ҳисобрақамлари ва банк карталарини очиши бўйича тегишли талабларни ишлаб чиқиб, амалиётда жорий этсин;
- (б) банклар **ота-оналарни** уларнинг вояга етмаган фарзандлари билан боғлиқ **шубҳали (фрод) операциялар** ҳақида **хабардор** қилиш амалиётини йўлга қўйсин;

- (в) кибержиноятларни содир этиш учун фуқаролар ўзларининг банк ҳисобрақами, банк карталари ҳамда электрон ҳамёнлари бўйича маълумотларни **тақдим этган шахслар (дроп)** реестрини юритишни **таъминласин**;
- (г) банклар ва тўлов ташкилотлари томонидан ўзининг **мобил иловаларига антивирус ҳимоя** тизимларини ўрнатиш ҳамда фойдаланувчи қурилмасида **заарли дастурлар белгилари мавжудлиги аниқланганда** ularни огоҳлантириш амалиётини жорий этиш чораларини кўрсин.

#### IV. Кибержиноятларни фош этиш механизмлари

**12. Ички ишлар вазирлиги** (Ташпулатов), **Марказий банк** (Ишметов) бир ой муддатда кибержиноятларни барвақт тўхтатиш ва тезкорлик билан фош этиш, шунингдек, пул маблағларининг республика ҳудудидан чиқиб кетишини олдини олиш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи **тезкор ҳаракатланиш тизимини** яратиш юзасидан қўшма чораларни кўрсин:

- (а) ички ишлар органлари масъул бўлинмалари сўровига асосан шубҳали пул ўтказма амалиётларига алоқадор **банк карталарини тезкорлик билан блоклаш**;
- (б) шубҳали пул ўтказма амалиётларига алоқадор **банк карталари ҳақидаги маълумотларни зудлик билан** ички ишлар органлари масъул бўлинмаларига тақдим этиб бориш.

**13.** Терговга қадар текширув ва дастлабки тергов давомида содир этилган кибержиноятлар юзасидан **киберхавфсизлик талабларига риоя қилинганилиги бўйича хulosани “Киберхавфсизлик маркази” ДУК** томонидан бериш тартиби жорий этилсин.

**14. Белгилансинки:**

- (а) Бош прокуратуранинг ички ишлар органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тузилмасида **6 та штат** бирлигидан иборат **кибержиноятларга қарши курашишда қонунийликни таъминлаш бўлими** ташкил этилади ҳамда ҳудудий прокуратуралар ва Транспорт прокуратурасининг ички ишлар органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бўлимларида унинг **гуруҳлари** фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида **44 та штат** бирлиги ажратилади;

- (б) мазкур тузилмалар ички ишлар органларининг **кибержиноятларни тергов қилиш ва фош этиш фаолияти** жараёнида қонунчиллик ижроси устидан **прокурорлик назоратини амалга оширади**;
- (в) ташкил этилаётган тузилмалар Бosh прокуратура ҳузуридаги **Мажбурий ижро бюросининг** ҳудудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятига жалб этилган **штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади**.
- 15.** Бosh прокуратура (Самадов) мазкур қарорга мувофиқ прокуратура тузилмасида кибержиноятларга қарши курашишда қонунийликни таъминлаш йўналишида ташкил этилаётган тузилмалар ходимларини **2025 йил 1 июлга қадар** Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида **маҳсус қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш** чораларини кўрсин.
- 16. Ички ишлар вазирлиги** (Ташпулатов):
- (а) **2025 йил 1 сентябрга қадар** Ички ишлар вазирлиги, Бosh прокуратура ва Марказий банк ўртасида кибержиноятларга қарши курашишда тезкорлик билан маълумотлар узатиш ва келиб тушаётган мурожаатлар бўйича кечикириб бўлмайдиган чораларни кўриш мақсадида **электрон маълумотлар алмашинув платформасини** ишга туширсин;
- (б) **Ташқи ишлар вазирлиги** (Саидов) билан биргаликда киберхавфсизлик бўлинмалари ходимларининг **илғор хорижий тажрибаларни ўрганиши** ҳамда **малакасини ошириш** мақсадида уларнинг чет эл давлатларига хизмат сафарларини амалга ошириш чораларини кўрсин.
- 17. Ташқи ишлар вазирлиги** (Саидов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда идоралараро ишчи гурӯҳ тузган ҳолда уч ой муддатда Евropa Иттифоқининг **“Компьютер жиноятлари тўғрисида”**ги Будапешт конвенциясига муайян шартлар асосида қўшилиш масаласини ҳар томонлама ўрганиб чиқиши таъминласин ва бу борада асослантирилган таклифларни белгиланган тартибда киритсин.

## **V. Кибержиноятларга қарши курашишда илмий ёндашувлар**

- 18.** Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институти тузилмасида **Кибержиноятларга қарши курашишга ва рақамли терговга кўмаклашиш маркази** ташкил этилсин ва қўйидагилар унинг фаолиятининг **асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

- (а) кибержиноятлар содир этилишига сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш мақсадида терговга қадар текширув ҳужжатларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда жиноят ишларини **илмий ёндашувлар** асосида ўрганиш орқали асослантирилган **тавсиялар** ишлаб чиқиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этиш;
- (б) кибержиноятларни **фош** этиш ва уларни тергов қилиш амалиётидаги **мавжуд муаммоларни** аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича илмий асослантирилган таклифларни ишлаб чиқиш;
- (в) кибержиноятлар йўналишида **тергов фаолияти** самарадорлигини ошириш ҳамда **таълим жараёнини** такомиллаштиришни илмий ва услубий жиҳатдан таъминлаш.

## **VI. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

- 19.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ички ишлар вазири **А.А.Ташпулатов** ва Марказий банк раиси **Т.А. Ишметов** белгилансин.
- 20.** Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Д.Б.Кадиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри